

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида илк Қуръони карим хатмонаси яқунланди



09:00 / 03.06.2019 3071

2019 йил 2 июнь куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида илк Қуръони карим хатмонаси ўз яқунига етди. Хатмонага юртимизнинг барча ҳудудларидан азиз меҳмонларимиз савоблардан баҳраманд бўлиш ниятида ушбу янги масжидга ташриф буюришди. Хусусан, Тошкент шаҳридаги масжидларнинг бир қатор имом хатиблари, улуғларимиз Қуръон хатномасида иштирок этишди.





Имом домлаларимиз томонидан хатмонада Қуръонга бўлган муҳаббат, ибратли мавъизалар, Рамазон ойида қилинадиган дуоларнинг ижобат

бўлиши каби ўзларининг панд-насиҳатлари билан кўнгилларни хушнуд этишди.



Қуръон хатмонасидан сўнг, Рамазон ойининг охирги муборак кечаларида, кейинги Рамазон ойларига соғ-саломатликда, тинчлик ҳотиржамликда етиб боришимизни Аллоҳ таолодан сўраб дуойи-ҳайрлар қилинди.

Бинобарин, муборак **Рамазон ойида қилинадиган дуога** тенглаша оладиган бирор вақт борми? Бу ойда дўзах эшиклари ёпилиб, жаннат эшиклари очилади. Шайтон занжирланиб, фаришта: «Эй яхшилик истовчи, (бу ойда яхшиликларга) юзлан! Эй ёмонлик истовчи, (бу ойда ёмонликлардан) тўхта!» дея нидо қилади.

Рамазон ойи умумий сифатлари билан дуо қабул бўладиган вақтлардандир. Бу ойда Қадр кечаси бўлиб, у минг ойдан яхшидир. Уни Рамазоннинг охирги ўн кунлигидаги тоқ кечалардан излаймиз. Мўмин банда бу кечада дуо қилса, сўраганидан ҳам яхшироғига ижобат қилинади. Рамазон ойининг ҳар бир кунда ҳам дуо ижобат бўладиган соат бор бўлиб, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, ифтор вақтидир: **«Рўзадорнинг ифтор вақтида қайтарилмайдиган дуоси бордир»**.





SHAYKH MUHAMMAD SODIQ
MUHAMMAD YUSUF
MAJMU'AH








SHAYKH MUHAMMAD SODIQ
MUHAMMAD YUSUF
MAJMUASI













SHAYKH MUHAMMAD SODIQ
MUHAMMAD YUSUF
MAJMUASI



SHAYKH MUHAMMAD SODIQ
MUHAMMAD YUSUF
MAJMUASI





Islom.uz портали таҳририяти